

000149

Тариф қиймати:  
 Сув 1 м<sup>3</sup> 4600 сўм  
 Оқава 1 м<sup>3</sup> 1495 сўм

421 -сонли шартнома

II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Оқашароқ шаҳар/туман.

«10» январь 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

(Ф.И.Ш.)

шаҳсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Оқашароқ шаҳар АБКМ  
 ҳақ асосида иш олиб борувчи директор М. Саидов (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш 6195 нарх бўйича 69 м<sup>3</sup> ни:  
 1 м<sup>3</sup> сув учун 4600 сўм (+КҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда  
 1 м<sup>3</sup> оқава суюқлик учун 1495 сўм (+КҚС 15%) + 50 сўм (махсус устама ҳақ)  
 Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 427455 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)  
 Шу жумладан, бюджет маблағларидан 427455 сўм, бюджетдан ташқари  
 маблағларидан сўм бюджетдан ташқари маблағлардан  
 тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари томонидан тўлов мунтазам (ойма-ой) тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларни бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик магнда – Қондалар деб юритилади) 2018 йил 23 ноябрдаги 950-сонли "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га киритилган қўшимча ва ўзгаришларга асосан ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 2 апрелдаги № -сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м<sup>3</sup> 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқава сув чиқариш тизимига уланиш учун рўхсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидоги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига улавишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нухасини тақдим қилади. "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни суғориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сеппи, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катъиян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёни учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тарморқларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тарморқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан тағаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қисқалашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатишган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатиш тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг улавиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қондалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан улавиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган улавларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакиллариининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига улавиш нуқтасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқава қудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.



### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### **3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:**

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнаттиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далolatнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларини олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

#### **3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:**

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаклик, қудуқ қопқокларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иппоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташқи (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иппоотлар қурилишига йўл қўймаклик.
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олилмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факе, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охиригундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаклик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- з) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- и) ишлаб чиқарин оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаклик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назоратни остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаш шарт.

#### **3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:**

- а) "Таъминотчи" куйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхташиш ҳуқуқига эга;
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи"томонидан режалли олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатишганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти туғилганда.

#### **3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:**

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишнинг тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувдан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;



д) "Истеъмолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айлиниш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларида ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўз артириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган ишчиолатлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушшига йўл қўймастик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкка етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва оқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, шаҳар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициентни қўйилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўнайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетган, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қошланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

### Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сенинг анда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори I гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қонданинг 87-бандининг «а» кичик банди бўйича II ва III гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қондалар 87-бандининг «б» кичик банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага айлантириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориб бўғинидаги қўйилган химоя қошламга руҳсатсиз тегилиши натижасида, ичимлик сув соф сарфини авиқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади.



-Ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирини ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичиде акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4% пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичиде тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдориде олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўпилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичиде тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқова сувларни чиқариб юборишни қарз ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгарти узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдориде тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Канализация руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль куниде қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослантарувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан орტიқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилуви қозғовици миқдор тартибиде ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида қўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида қўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичиде бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни қўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхадe тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирди ва 202\_ йилнинг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

**«ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ»**  
«Тошкент сув таъминоти» М.У.Д  
**Охангарон шаҳар бўлими** бўлими  
Манзил: **Тамур кўчаси, 1-уй. Тел.: 70-202-16-01**  
Тел/ф: **2263 8000 2001 0149 8533**  
Х-р: **Чирчиқ «Ипотека Банк»**  
Банк: **МФО: 00478 СТИР: 201 577 953**  
Банк коди: **СТИР:**

XXТУТ: MAS'ULIYATI  
**OXANGARON**  
Раҳбар: **А. Ш. Ш. Ш.**  
М.У. (Ф.И.Ш., имзо)  
**BO'LIMI**  
202\_ й.

Манзил: **Охангарон ш. АБК/У**  
Тел: **645-16-86**  
Газ/х-р: **23402000300100001010**  
Банк: **Марказий банк ХКБ/У**  
Банк коди: **00014 СТИР 20122819**  
XXТУТ  
Шахсий рақам: **50-096-92-00**  
Шахсий х-р: **10002286024415710310011001**  
Банк: **СТИР 207268373**  
Раҳбар: **М. Содиқов**  
М.У. (Ф.И.Ш., имзо)  
«07» **январ** 2022 й.

### Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос **Д. Ш. Ш.**

**Ш. Ш.**

«07» **январ** 2022 й.